



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 10 июнь, № 122 (7624)

Чоршанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ИҚТИСОДИЁТ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 июнь куни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози буйича 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кўтилмоқда. Шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда.

Ўтган уч ойда юртимизда иқтисодиёт тармоқларига 2,3 триллион сўм солиқ имтиёзлари берилди, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3,6 триллион сўм ажратилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари янги ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, шу борадаги 8 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчи — иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш; иккинчи — камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш; учинчи — банк тизимидаги ислохотларни жаддаллаштириш;

тўртинчи — тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш; бешинчи — экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш;

олтинчи — саноатда рақобатбардошликни кучайтириш; еттинчи — кичик бизнесни ривожлантириш;

саккизинчи — рақамли технологияларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Биринчи масала муҳокама қилинар экан, бюджет тушуми ва харажатларини оптималлаштириш топширилди. Корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва солиқ маъмуриятичилигини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадларни таъминлаш, ташқи қарз битимларини тузишда белгиланган чекловдан ошмаслик буйича кўрсатма берилди.

Иккинчи йўналиш буйича бу йил 810 мингта доимий иш ўрнини қайта тиклаш, 310 минг доимий ва 633 минг-

та мавсумий иш ўрни яратиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йил 8 июнь куни қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилувчи фаолият турлари сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилди.

Давлатимиз раҳбари Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирилик ва идораларни бириктириб, муҳтожларга кўмаклашиш тизимини яратиш, оилавий тадбиркорлик ва томоқчалликни ривожлантириш буйича топшириқлар берди. Давлат гранти ҳисобига тахсил олган талабаларни 3 йил муддатга шундай хужудларга меҳнат фаолияти учун йўналтириш таклифи билдирилди.

Маълумки, банк тизимида катта ислохотлар белгиланган. Йиғилишда бу чораларни жаддаллаштириб, давлат улushi эга ўнта банкда трансформация жараёнини ўз вақтида амалга ошириш, фоиз ставкаларини инфляцияга қарши сиёсат билан уйғунлашган ҳолда пасайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш буйича Бош вазир ўринбосарларига топшириқлар берилди.

Пандемия шароитида экспортни ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш жуда долзарб масала. Ташқи бозорларда талабнинг кескин камайиши экспортчи корхоналаримизга жиддий таъсир қилмоқда.

Шу муносабат билан, бешинчи устувор йўналиш ўлароқ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига экспорт кўрсаткичини 2019 йилдагидан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш буйича қўшимча чоралар кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда саноатни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айрим тармоқларда хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг яхлит "занжири" яратилмагани кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун, мисни қайта ишлаш 25 фоиз, ипакчиликда 20 фоизга ҳам

етмайди. Тармоқларро кооперация ҳам тўлиқ йўлга қўйилмаган. Жумладан, электротехника ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро кооперация ҳисобига камида 80 миллион долларлик маҳсулот тайёрласа бўлади. Эки кимё саноати тўқимачилик учун синтетик тола ва полиэстер, автомобилсозлик ҳамда қурилиш материаллари соҳасига қорд ва турли бўёқлар, озиқ-овқат саноатига ароматизаторлар етказиб бериши мумкин.

Шу боис замонавий технологиялар трансферини йўлга қўйиш, тармоқларнинг энергия самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи Саноат сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ҳамда озиқ-овқат саноатларига алоҳида эътибор қаратиш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш жараёнини жаддаллаштириш буйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес иқтисодиётнинг ўсиш нуқтаси этиб белгиланган. Йиғилишда тадбиркорларга эркин рақобат муҳитини яратиш учун хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш зарурлиги таъкидланди.

Юқори технологияли тармоқларда кичик бизнес ҳиссаси камлиги қайд этилиб, бундай субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизми тезкор ривожлантириш, уларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш вазифалари келиши олинган эди. Бу борадаги ишларни саккизинчи устувор йўналишга мувофиқ ташкил қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарлар иқтисодиётни ривожлантириш буйича қисқа ва ўрта муддатда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«ФАХРИЙ МУРАББИЙ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 11 майда маъқулланган

1-модда. «Фахрий мураббий» ордени таъсис этилсин.

2-модда. «Фахрий мураббий» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. «Фахрий мураббий» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда) **8-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин: «Фахрий мураббий» ордени; **тўққизинчи – ўн учинчи хатбошилар** тегишчан **ўнинчи – ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 9 июнь № ЎРҚ-622

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 июндаги ЎРҚ-622-сонли Қонуни билан **ТАСДИҚЛАНГАН**

«Фахрий мураббий» ордени тўғрисида НИЗОМ

1. «Фахрий мураббий» ордени билан ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ёт гошлардан асраш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш, ёш авлод вакилларида фаол фуқаролик позицияси ва мафқуравий иммунитетни, ташаббускорлик, фидойилик ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган, шунингдек ўзининг чуқур билими ва бой ҳаётий тажрибаси билан ёрдамга муҳтож ҳамда оғир аҳволга тушиб қолган ёшлар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ҳамда тадбиркорликка ўргатиш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида барчага шахсий намуна кўрсатиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

2. «Фахрий мураббий» ордени билан: ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли таҳдидлар ва ёт гошлар таъсиридан ҳимоя қилиш, адашган ёшларни тўғри йўлга қайтариш буйича манзилли ишларга уларни васийликка олиш орқали бевоқиф ҳисса қўшганлиги;

профилактик ҳисобда турган, ҳуқуқбузарлик содир қилишга ва салбий иллатга мойил бўлган ёшларда соғлом дунёқарашни, Ватанга меҳр ҳамда садоқат туйғуларини шакллантиришда мураббий сифатидаги алоҳида хизматлари;

ушмаган ёшларни ҳамда кам таъминланган, эҳтиёжманд ва камбағал оилалар фарзандларини касб-хунарларга ўргатиш, тадбиркорлик, хунарамандчилик, деҳқончилик ва чорвачиликка кенг жалб қилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги фидойилиги;

хужудларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, нотинч ва ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни тиклаш, ёлғиз аёлларга ҳаётда мустақил бўлишга кўмак бериш ҳамда «Соғлом оила – соғлом жамият» деган эзгу гоани ижтимоий ҳаётга кенг таътиб этишда кўрсатган жонбозлиги;

7. Хар бир мукофотланган шахсга «Фахрий мураббий» орденини топириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар берилди.

ташкиллаштиришга раҳбарлик қилганлиги; туман ва шаҳарларни ёт гошлардан холи хужудга айлантиришга қаратилган ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларда эришган юксак натижалари ҳамда ибратли фаолияти учун мукофотланади.

3. «Фахрий мураббий» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4. «Фахрий мураббий» ордени билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдоридати бир марталик пул мукофотини олади.

5. «Фахрий мураббий» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланадиган имтиёزلардан фойдаланади.

6. «Фахрий мураббий» ордени кўрақнинг чап томонига тақилади.

7. Хар бир мукофотланган шахсга «Фахрий мураббий» орденини топириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 июндаги ЎРҚ-622-сонли Қонуни билан **ТАСДИҚЛАНГАН**

«Фахрий мураббий» орденининг ТАВСИФИ

«Фахрий мураббий» ордени 1 микрон қалинликдаги 999 проба олигин билан қопланган латундан тайёрланади ва иккита қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи медальон диаметри 45 миллиметрли куёш тимсолидаги саккиз қиррали юлдузга ифодалади. Унга уйғунликда туташган диаметри 33 миллиметрли саккиз қиррали юлдуз қирралари зарҳал ҳошияланган ва бинафша рангдаги эмаль билан қопланган.

Орденнинг марказида жойлашган устки медальон диаметри 26 миллиметрли доира шаклида бўлади. Марказда ҳаворанг эмаль фонда кўтарилаётган куёшнинг заррин нурлари, ёш авлодни тугиб турган фахрий мураббийнинг очик қафлари тимсоли оқ эмаль фонда акс эттирилган. Юқорироқда Ўзбекистон Республикасининг харитаси зарҳал кўринишида тасвирланган.

Унг ва чап томонларида қизил эмалли ислимий нақш билан безатилган зарҳалланган очик дарвоза жойлашган. Барча марказий композициялар оқ эмалли доира билан ўралган бўлиб, пастки қисми бешта зарҳалланган саккиз қиррали юлдуз, тепа қисми эса зарҳалланган нақш билан безатилган. Доира четлари зарҳалланган ингичка чизиклар билан чегараланган.

Устки медальоннинг юқори айланаси бўйлаб яшил эмаль фонда – «FAXRIY», унинг пастки қисмида – «MURABBIY» ёзуви жойлашган. Унг ва чап томонларида иккита зайтун новдаси қарама-қарши кўринишда акс эттирилган. Харфларнинг баланглиги – 2 миллиметр.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган. Қуйи қисмига 2 миллиметрли ўлчамдаги ботик шрифт билан орден рақами туширилган.



Тасвирлар ва ёзувлар – бўртма. Орденнинг қалинлиги – 3,5 миллиметр. Орден четлари бинафша ранг чизиклар билан ҳошияланган ҳамда ўртасидан оқ йўл ўтган тўқ яшил рангдаги шойи лента қопланган беш қиррали қадагичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Лентанинг эни – 24 миллиметр, бинафша рангли чизикларнинг эни – 1 миллиметр, оқ рангли чизикнинг эни – 2 миллиметр. Қадагичнинг орқа томонида орденни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғин кўринишидаги мослама мавжуд.



Халқ банки:

Сардоба тошқинидан зарар кўрган аҳолига зарур хизматлар кўрсатилмоқда

Май ойи бошида Сирдарё вилоятининг Сардоба сув омборидан сув тошиб чиқиши нафақат ушбу ҳудуд аҳлини, балки бугун халқимизни ташвишга солди. Шу билан бирга, халқимизнинг қанчалик аҳил, қанчалик ҳамжихат эканлигини намойён қилди. Бинобарин, шу эл, шу юрт фарзандиман, деган киши борки, фожиа оқибатларини бартараф этишга интилди. Имон қадар ҳудуд аҳлига ёрдам кўрсатишга ошқиди.



Молия муассасаларида

Энг асосийси, бундай ишлар бошида давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи турди. Фожиа рўй берган ҳудудга зудлик билан етиб бориб, тегишли ишчи гуруҳ ва ташкилотлар мутасаддиларига зарур топшириқлар берди. Сардоба сув омбори тошқинлари оқибатларини бартараф этиш, талафот кўрган туманларнинг иқтисодий шароитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятнинг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида умумий қиймати 2.181,3 млрд. сўмни ташкил қилган, 9 864 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган жами 323 та лойиҳанинг манзилли дастури ишлаб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, бугун ҳудудда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Одамлар олдинги ҳаёт тарзига қайтиб, тикланган ва таъмирланган уй-жойларида яшамоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараёнда ҳеч қайси ташкилот, хусусан, молия муассасалари ҳам четда қараб тургани йўқ. Жумладан, акциядорлик тижорат Халқ банки юз берган сув тошқинидан талафот кўрган ва бошқа хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинган Сардоба, Оқолтин ҳамда Мирзаобод туманларининг 17 та маҳалласида яшовчи жами 5 617 нафар фуқаронинг пул масаласида қийинчиликка дуч келишларининг олдини олиш

мақсадида муайян чора-тадбирлар кўрилди. Натижада пенсия ва нафақа олувчиларга 3,4 млрд. сўм маблағ уларнинг вақтинчалик яшаб турган манзилларига етказиб берилди. Фуқароларга нафақаларни тарқатиш ишларида карантин талабларига қатъий риоя қилинмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банк Сирдарё вилояти бош бошқармаси ва Халқ банки Сирдарё вилояти филиали томонидан ташкил этилган штабларга 27 та пластик карточка йўқотилганиги тўғрисида келиб тушган мурожаатга жавобан уларга пластик карточкалари бепул тиклаб берилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Банк томонидан манзилли дастур ижроси доирасида талафот кўрган ҳудудлар иқтисодийтини тиклаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 153 млрд.

сўмлик, 1 671 иш ўрни яратишга қаратилган 83 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бугунги кун ҳолатига кўра, ушбу дастур бўйича 64 та лойиҳага 12,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Мисол учун, Оқолтин туманидаги "Бобур" СИУ ҳудудида жойлашган "Шўхрат Диамонд" МЧЖ банк билан ҳамкорликда кооперация усулида аҳолига тарқатиш учун 500 бош қорамол ва 2000 бош қўйчиликка мўлжалланган чорвачилик лойиҳаси ижросига киришган.

Шунингдек, Сардоба, Оқолтин ҳамда Мирзаобод туманлари бўйича "Хар бир оила — тадбиркор" дастури ижроси юзасидан жами 109 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 3,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 151 кишининг бандлиги таъминланди.

2020 — 2022 йилларда Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан ишлаб чиқилган манзилли дастур бўйича эса банк томонидан уларнинг 47 тасига 380,9 млрд. сўм миқдорда кредит йўналтирилиши кўзда

тутилган. Қувонарлиси, хозиргача 30 та лойиҳа эгасига 268,7 млрд. сўм кредит тақдим этилди.

Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги "Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 мартдаги "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, пандемия асоратларини камайтириш мақсадида эълон қилинган карантин даврида Халқ банки томонидан муайян ишлар олиб борилмақда.

Маълумки, Халқ банки чорвачиликни ривожлантиришга бириктирилган. Айни пайтда бу борада бажарилган ишлар салмоқли. Режадаги юмушлар ҳам талайгина. Яъни молия муассасаси 2020 йилда вилоятда чорва моллари бош сонини ошириш, аҳолини сифатли, арзон сут ва гўшт

махсулотлари билан таъминлаш йўлида умумий қиймати 129,2 млрд. сўмлик, (бунда 5677 бош насли қорамолни четдан келтириш мўлжалланган) 36 та лойиҳанинг манзилли дастури ишлаб чиқилган эди. Эътиборлиси, ушбу чорва моллари, аввало, тошқиндан зарар кўрган оилаларга берилди. Хозиргача 15 та лойиҳага 18,4 млрд. сўмлик сармоя ажратилди.

Қолаверса, Халқ банки томонидан Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари иқтисодий шароитини яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 58,2 млрд. сўмлик, 73 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши режалаштирилганки, бунинг натижасида 551 кишининг бандлиги таъминланди.

Қисқача айтганда, бугун Халқ банки Сирдарё вилоятининг мақкур туманлари миқсода, чин маънода халқнинг ичига кириб бормоқда. Одамларни қийнаётган ҳамда қизиқтиратган масалалар банк мутахассислари томонидан ижобий ҳал этиляпти. Банк сармоси асосида кўмакка муҳтож тадбиркорлик субъектлари қайта иш бошлапти. Ички бозор сифатли махсулотлар билан бойиб, экспорт қўлами кенгайиб бораётир. Аҳоли бандлиги ва турмуш тарзи яхшиланяпти. Зеро, молия муассасаси жамоасининг мақсади ҳам шу.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

ГУП «Махсустрэнс»

объявляет конкурс на определение подрядчика (строительной компании) для реконструкции двух перегрузочных станций (Яккасарайской и Юнусабдской) в Ташкенте в рамках проекта «Управление твердыми бытовыми отходами» с участием Азиатского банка развития. Заем №: L3067-UZB

1. Азиатский банк развития одобрил заем под гарантии правительства Республики Узбекистан для улучшения системы управления твердыми бытовыми отходами (ТБО) в Ташкенте. Одним из компонентов проекта является реконструкция двух перегрузочных станций ГУП «Махсустрэнс» в Ташкенте по пакету SUE/Maxustrans/ICB-W2: Transfer Station Rehabilitation
2. Государственное производственное управление «Махсустрэнс» приглашает участников из 68 стран — членов АБР представить конкурсные предложения на тендерные торги в запечатанном виде для проведения строительных работ по реконструкции двух перегрузочных станций по следующим лотам:

Лоты	№	Наименование и параметры товара
Лот 1	1	Реконструкция перегрузочных станций

3. Торги будут проводиться по условиям международных конкурсных торгов (МКТ), описанным в руководстве АБР: руководство по закупкам.

4. Заинтересованные правомочные участники (резиденты Республики Узбекистан) торгов могут приобрести полный комплект документации на английском языке после подачи письменной заявки и оплаты в форме банковского перевода невозмещаемого комиссионного взноса в размере 200 долларов США (в сумовом эквиваленте по курсу ЦБ Республики Узбекистан на момент оплаты) на сумовой счет, указанный в пункте № 8 ниже.

Иностранцы правомочные участники торгов могут приобрести полный комплект документов для торгов на английском языке после подачи письменной заявки и оплаты в форме банковского перевода невозмещаемого комиссионного взноса в размере 200 долларов США на валютный счет, указанный в пункте № 8 ниже.

В торгах могут участвовать только подходящие претенденты со следующими ключевыми квалификациями:

- **Исторические финансовые показатели**
Предоставление аудированных финансовых отчетов или, если этого не требует законодательство страны участника, другие финансовые отчеты, приемлемые для заказчика, за последние пять лет (2015 — 2019 годы), чтобы продемонстрировать текущую устойчивость финансового положения участника. Как минимум чистые активы участника за последний год (2019), рассчитанные как разница между общими совокупными активами и общими обязательствами, должны быть положительными.

- **Средний годовой оборот строительства**
Минимальный среднегодовой оборот строительства, эквивалентный 8 000 000 долларов США, рассчитанный как общая сумма подтвержденных платежей, по текущим и завершенным контрактам за последние три года (2017–2019 годы).

- **Финансовые ресурсы**
Участник должен продемонстрировать, что его финансовые ресурсы, представленные в FIN-3, за вычетом финансовых обязательств по текущим договорным обязательствам, определенным в FIN-4, соответствуют или превышают общее требование в размере, эквивалентном 1 750 000 долларов США.

- **Опыт строительства (контракты по схожей сумме и описанию работ)**
Участник должен продемонстрировать участие в качестве подрядчика, партнера по совместному предприятию или субподрядчика по крайней мере в одном контракте на строительные работы, где стоимость участия превышает эквивалентную сумму 5 600 000 долларов США или по крайней мере в двух контрактах на строительные работы, где участие претендента превышает сумму, эквивалентную 2 800 000 долларов США на каждый контракт. Контракты должны быть успешно или в значительной степени выполнены в течение последних семи лет (2013 — 2019 годы) и аналогичны предлагаемому работам. Сходство участия участника должно основываться на физических размерах, характере работ, сложности, методах, технологиях или других характеристиках, как описано в разделе 6 «Требования работодателя»; и опыт выполнения строительных работ в сфере промышленной и коммунальной инфраструктуры.

- **Опыт строительства**
Участник должен продемонстрировать минимальный опыт в строительстве, в частности, должен иметь не менее двух завершенных строительных контрактов в течение последних семи лет (2013 — 2019 годы) для восстановления/строительства станций по вывозу отходов или другой городской коммунальной инфраструктуры.

5. Конкурсные предложения должны быть представлены до 15.00 20 июля 2020 года по адресу, указанному в пункте № 7 ниже. Подача конкурсных предложений в электронном виде не допускается. Конкурсные предложения, поступившие позже указанного срока, рассматриваться не будут. Публичное вскрытие конвертов с конкурсными предложениями состоится в присутствии назначенных представителей участников торгов по адресу: Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, 51. Здание хокимията г. Ташкента, 1-й этаж, конференц-зал № 1 в 17.00 20 июля 2020 года.

6. Конкурсные предложения должны сопровождаться залоговым обеспечением на сумму по лоту:

№ лота	Кол-во	Описание товаров	Сумма в долл. США
1	1	Реконструкция перегрузочных станций	140 000 долларов США

Либо эквивалентную сумму в свободно конвертируемой валюте, либо эквивалент в узбекских суммах в размере 1 400 000 000 сумов (для местных участников торгов).

7. Адрес: Республика Узбекистан, 100132, г. Ташкент, Учтепинский район, промзона «Бекабад», здание ГУП «Махсустрэнс».

Контактное лицо: г-н Рустамжон Шукуров.
Телефон 71-247-79-23.
E-mail: piu3067@gmail.com

8. Организация: ГП «ГРП «Управление твердыми бытовыми отходами».

Банк: Шайхантахурский филиал АКИБ «Ипотека банк».
Счет №: 2021 0000 6004 2118 3001 (сумовой).
Счет №: 2021 0840 7004 2118 3001 (валютный).
МФО: 00425.
ИНН: 303 096 495.
ОКОНХ: 84500.
SWIFT: UZHOUZ 22.

State Unitary Enterprise

«Maxustrans» announces tender (bid)

to identify the contractor (construction company) for rehabilitation of two transfer stations (Yakkasaray and Yunusabad) in Tashkent city in the framework of the project «Solid Waste Management Improvement Project» with the participation of the Asian Development Bank. Loan №: L3067-UZB

1. The Asian Development Bank has approved a loan under guarantee of the Government of Uzbekistan to improve the solid waste management system in the city of Tashkent. One of the main components of the project is the package SUE/Maxustrans/ICB-W2: Transfer Station Rehabilitation
2. State Unitary Enterprise «Maxustrans» invites eligible bidders from 68 ADB member countries to submit bids (tender) in a sealed form to construct (rehabilitate) two transfer stations on the following lots:

Lot	Name of the Lot
Lot No. 1	Transfer Station Rehabilitation

3. Bidding will be conducted through the International Competitive Bidding (ICB), described in ADB's Guidelines: Procurement Guidelines.

4. Interested local eligible bidders (Residents of Uzbekistan) may purchase a complete set of bidding documents in English after submitting a written application and payment of a nonrefundable fee and commission fee in the amount of US \$ 200 (in sum equivalent at the exchange rate of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan at the time of payment) to sum account indicated in para. No. 8. Payment must be made by bank transfer.

Interested foreign eligible bidders may purchase a complete set of bidding documents in English after submitting a written application and payment of a nonrefundable fee and commission fee in the amount of US \$ 200 to USD account indicated in para. No. 8. Payment must be made by bank transfer.

Only eligible Bidders with the following key qualifications should participate in this bidding:

- **Historical Financial Performance**
Submission of audited financial statements or, if not required by the law of the Bidder's country, other financial statements acceptable to the Employer, for the last 5 years (2015-2019) to demonstrate the current soundness of the Bidder's financial position. As a minimum, the Bidder's net worth for the last year (2019) calculated as the difference between total assets and total liabilities should be positive.

- **Average Annual Construction Turnover**
Minimum average annual construction turnover of equivalent to \$8,000,000 calculated as total certified payments received for contracts in progress or completed, within the last 3 years (2017-2019).

- **Financial Resources**
The Bidder must demonstrate that its financial resources defined in FIN-3, less its financial obligations for its current contract commitments defined in FIN-4, meet or exceed the total requirement for the Subject Contract of equivalent to \$1,750,000.

- **Construction Experience (Contracts of Similar Size and Nature)**
The Bidder must demonstrate participation as a contractor, Joint Venture partner, or Subcontractor, in at least one (1) contract for civil works, where the value of the Bidder's participation exceeds equivalent to \$5,600,000 or at least two (2) contracts for civil works, where the value of the Bidder's participation exceeds equivalent to \$2,800,000 per each contract. These contracts shall be successfully or substantially completed within the last 7 years (2013-2019) and similar to the proposed works. The similarity of the Bidder's participation shall be based on physical size, nature of works, complexity, methods, technology or other characteristics as described in Section 6, Employer's Requirements and communal infrastructure sector.

- **Construction Experience (Key Activities)**
The Bidder must demonstrate a minimum construction experience, in particular to have completed not less than two (2) construction contracts within the last 7 years (2013-2019) for rehabilitation /construction of waste transfer stations or other urban communal infrastructure.

5. Bids must be submitted before 03:00pm Tashkent time 20th of July, 2020 to the address indicated in para. No. 7. Submission in electronic form is not allowed. Bids received after the deadline will not be considered. Public opening of envelopes with tender (bid) proposals will take place in the presence of the designated representatives of the bidders at the address Islam Karimov street 51, Tashkent city, Uzbekistan, Tashkent city Khokimiyat, 1 floor, Conference Hall No. 1 at 05:00pm Tashkent time 20th of July, 2020.

6. All bids must be accompanied by a bid security in the amount according to the lots:

Lot	Name of the	Lot Amount in USD
Lot No. 1	Transfer Station Rehabilitation	140 000 USD

Either the equivalent amount in freely convertible currency or in Uzbek soums in the amount of the equivalent of 1 400 000 000 soums (for local bidders).

7. Address: Uzbekistan, Tashkent city, Uchtepa district, Industrial Area «Bekabad» building the SUE «Maxustrans», 100132. Phone: 71-247-79-23, e-mail: piu3067@gmail.com

8. Organization: State Enterprise «PIU Solid Waste Management»

Bank: Shaykhantakhur branch of SCMB «Ipoteka Bank»
Account №: 2021 0000 6004 2118 3001 (national currency «Soum»)
Account №: 2021 0840 7004 2118 3001 (USD)
BIC: 00425
Tax Payers number: 303 096 495
Sector Code: 84500
SWIFT Code: UZHOUZ 22

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ушбу қўмита аъзоси, сенатор Шўхратбек Абдурахмоновга онаси

САОДАТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 438 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини қўллаб-қувватлаш учун ОВ-хизмати телефонининг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуъл.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўғчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Фафоров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6